




# Давлат фуқаролик хизматчиларининг ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ



Давлат фуқаролик  
хизматчилари  
ўртасидаги ўзаро  
ахлоқий  
муносабатлар



Давлат фуқаролик  
хизматчиларининг  
ишчанлик обрўси  
ва хизматнинг  
нуфузига путур  
етказиши мумкин  
бўлган  
ҳаракатлар  
(ҳаракатсизлик)



Хизмат  
фаолиятидаги  
ва хизматдан  
ташқаридаги  
хулқ-атворнинг  
асосий қоидалари



«Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси

# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ  
2022 ЙИЛ 14 ОКТЯБРДАГИ  
“ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК  
ХИЗМАТЧИЛАРИ  
ТОМОНИДАН  
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИГА  
РИОЯ ЭТИЛИШНИ  
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА  
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР  
ТЎҒРИСИДА”ГИ  
**595-СОНЛИ  
ҚАРОРИ**



Одоб-ахлоқ комиссияси  
тўғрисида намунавий низом

Давлат фуқаролик  
хизматчиларининг касбий  
маданияти, хизмат фаолияти  
давомида ҳамда хизматдан ташқари  
вақтда одоб-ахлоқи, ташқи  
кўриниши ва кийиниш услуби  
одоб-ахлоқининг намунавий  
қоидаларини белгилаш



Давлат фуқаролик  
хизматчилари  
одоб-ахлоқининг  
намунавий  
қоидалари

Давлат хизматида юксак  
касбий маданиятни шакллантириш,  
жамоатчилик онгида давлат  
хизматиغا бўлган ҳурмат ва  
ишончни ошириш ҳамда давлат  
хизматчиларининг ахлоқ  
қоидаларига зид бўлган  
хатти-харакатларини  
олдини олиш

# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ



# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Давлат фуқаролик  
хизматининг обрўсига  
путур етказадиган  
хатти-ҳаракатлардан  
тийилиш

Масъулият,  
касбига садоқат  
ва ҳалолликни  
кундалик шиорга  
айлантириш

Мураккаб  
вазифаларни  
бажаришда  
ҳамкасбларига  
кўмаклашиш

Хушмуомалалик,  
ва эътиборлилик  
билан фуқароларда  
давлатга нисбатан  
ишонч ва ҳурмат  
ҳиссини уйғотиш

Оилада соғлом муҳитни  
таъминлаш ва ғамхўр  
бўлиш, фарзандларда  
ватанпарварлик ва  
бошқа юксак ахлоқий  
фазилатларни  
шакллантириш

Фуқароларнинг ижтимоий-  
иқтисодий аҳволдан  
қатъий назар, улар билан  
бир хил, самимий,  
одоб доирасида  
муносабатда бўлиш

Жамиятда  
ахлоқнинг  
умумэтироф  
этилган қоидаларига  
амал қилиш

# КАСБИЙ МАДАНИЯТГА ОИД УМУМИЙ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

Давлат ва жамият манфаатларига зарар етказувчи, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлардан тийилиш

Ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиш

Аҳолининг камситилишига олиб келувчи таъсир чоралари ва ҳаракатларга йўл қўймаслик

Хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан, холис ва сифатли бажариши, иш вақтидан оқилона фойдаланиш

Аҳолининг давлат хизматлари истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш

Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеидан фойдаланмаслик



# ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИГА ОИД ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ



Давлат фуқаролик хизматчилари қуйидагиларга мажбур:



Мамлакат шаънини эъзозлаш, давлат сиёсатига содиқ бўлиш



Ўз хизмат вазифаларини виждонан бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суистеъмолчиликка йўл қўймаслик



Чет эл фуқаролари билан алоҳида белгиланган тартибга зид равишда бевосита ёки бошқа шахслар орқали мулоқотга киришмаслик



Ахборотларни тарқатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш



Ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш



Муомала маданиятига риоя қилиши, самимий ва вазмин бўлиш, дўстона муносабатни намойиш қилиш



Жамоада соғлом маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўриш

# ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИГА ОИД ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ



Раҳбарлар қуйидагиларга мажбур:

Бўйсунувдагиларга профессионализм, ҳалоллик, ҳолислик ва адолатлиликда ўрناق бўлиш

Жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш

Давлат хизматчиларни қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундамаслик

Кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўлқўймаслик

Жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм кўринишларига йўл қўймаслик

Давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилиш

Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан коррупция содир этилишининг олдини олиш

Бўйсунувдаги давлат фуқаролик хизматчиларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш





# ХИЗМАТДАН ТАШҚАРИ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

Миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш

1

Дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик

2

Расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари масалаларни муҳокама қилмаслик

3

Жамоат жойлари ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш

4

Хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш

5

Хизмат автотранспорт воситаларидан хизматдан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик

6

Иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик

7

Фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат фуқаролик хизматида доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш

8

Ташқи кўринишини меъёрда сақлаш, камтарона кийиниш, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига жалб қиладиган тарзда кийинмаслик

9

# ЖАМОАТЧИЛИК, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ



Давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги оммавий баёноتلар ташкилот раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади



Жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида жамоатчилик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига оид айблов ёки танқид билдирилган тақдирда давлат органлари ва ташкилотлари унга нисбатан билдирилган айблов ёки танқидга оммавий изоҳ ёхуд раддия бериши лозим



Давлат фуқаролик хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак

# ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДАГИ ТАШҚИ КЎРИНИШ ВА КИЙИНИШ УСЛУБИГА ОИД ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

## ТАШҚИ КЎРИНИШ ВА КИЙИНИШ



Давлат фуқаролик хизматчиларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва тақшилотлари фаолиятига ҳурмати, шу жумладан, хизматнинг нуфузини оширишга хизмат қилиши керак

## Давлат фуқаролик хизматчисининг ташқи кўриниши:

1

меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг давлат ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим

2

умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим

# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

1

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади



Давлат органларининг кадрлар бўлинмалари махсус

2

Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади:



Одоб-ахлоқ комиссиялари

3

Ҳар бир давлат органи Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари асосида фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг ички одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлайди



Ваколатли давлат органи

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ!**

